

Дилшод ЭШНАЕВ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита
раиси ўринбосари

ДУНЁВИЙ ДАВЛАТДА ДИНИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

СИСТЕМА РЕЛИГИОЗНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В СВЕТСКОМ ГОСУДАРСТВЕ: ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА

THE SYSTEM OF RELIGIOUS EDUCATION IN A SECULAR STATE: EXPERIENCE OF UZBEKISTAN

Аннотация: Мақолада сўнги йилларда Ўзбекистонда диний соҳада амалга оширилган туб ўзгаришлар ҳақида сўз борган. Хусусан, виждон эркинлиги ҳамда диний таълимнинг ҳуқуқий асослари, фуқаролар учун диний таълим борасида яратилган имкониятлар батафсил очиб берилган. Бундан ташқари, мақолада диний таълим бўйича интернет ва ижтимоий тармоқларда айрим шахслар томонидан асоссиз билдирилаётган фикрларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таянилган ҳолда жавоб берилган.

Калим сўзлар: виждон эркинлиги, конфессия, диний таълим, дунёвий таълим диний таълим муассасалари, илоҳийёт, мадраса.

Аннотация: В статье раскрываются кардинальные изменения в религиозной сфере, произошедшие в Узбекистане за последние годы. В частности, подробно описаны правовые основы соблюдения свободы совести и права на получение религиозного образования, а также возможности, созданные для граждан в этой сфере. Кроме того, в статье на основании положений нормативно-правовых актов разъясняются вопросы, связанные с распространением в сети Интернет и социальных сетях необоснованных мнений отдельных лиц в отношении религиозного образования.

Ключевые слова: свобода совести, конфессия, религиозное образование, светское образование, религиозные учебные заведения, теология, медресе.

Annotation: The article talks about major changes that have taken place in Uzbekistan in recent years in the

field of religion. In particular, freedom of conscience and legal foundations of religious education, opportunities created for citizens in the field of religious education are described in detail. In addition, the article is a response to the unfounded opinion of individuals regarding religious education spread on the Internet and social networks, based on the normative legal acts.

Keywords: freedom of conscience, confession, religious education, secular education, religious educational institutions, theology, madrasah.

КИРИШ

Бугунги кунда дунёвий таълим муассасалари билан бир қаторда диний таълим муассасаларининг битирувчи замонавий мутахассисларидан касбий компетентлилик ва ноодатий вазиятларда қарор қабул қилиш, жамоада ишлаш, ахборотни мустақил олиш, таҳлил қилиш, самарали фойдаланиш, ўзгарувчан вазиятларга мослашувчанлик талаб этилади. Мазкур сифатларга эга мутахассисни тайёрлаш эса олий таълим муассасалари олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда янги жорий этилган таълим тизимида ўқитишнинг кредит тизими санаб ўтилган жиҳатларга эга кадрларни тайёрлашга кенг имконият яратади. Ҳар жиҳатдан қулай ва самарадор мазкур тизим меҳнат бозорининг ўзгарувчан эҳтиёжини қопловчи механизм сифатида намоён бўлади, яъни таълим муассасалари битирувчиларининг академик ҳаракатчанлиги, ўз устида такрор ва такрор ишлашини таъминлайди. Таълимда кредит тизимининг энг муҳим аҳамияти шундаки, академик дастурлар меҳнат бозори талабларига мос ҳолда тузилади. Ўқув режадаги фанларнинг аксар фоизини танлов фани бўлиб, ўқув жараёнига ахборий тизимлар жорий этилади. Бунда, республикадаги бугунги вазиятдан келиб чиқиб, диний таълим муассасаси битирувчисига қуйиладиган талаблар белгиланади ҳамда уларни ўқитишда индивидуал ёндашилиб, мустақил таълим олишига йўналтирилади. Бу эса диний таълим муассасалари талабаларини ўз устидарида кўпроқ ишлашини талаб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Сўнги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби диний-маърифий жабҳада ҳам кенг қўламли ислохотлар, ўзгаришлар, янгиликлар амалга

оширилди. Зеро, Республикамизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар ҳамда диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтириш борасида олиб борилаётган ишлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак эътироф этилаётгани – бу борада олиб борилаётган ишларнинг тўғри ўзанда кетаётганига далолат қилади.

Шундай бўлсада, интернет тармоқларида баъзи мутаассиб шахс ва тоифалар томонидан Ўзбекистоннинг дин ишлари соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ноҳолис баҳолаш, янгиликларни ўз манфаатларига мослаб талқин қилиш, воқеъликни ўз ўзанидан бошқа томонга буриш, ҳолатни кўпиртириш ҳамда айрим диний-ижтимоий масалалар юзасидан асоссиз танқидлар қилиниб, имконсиз таклифлар илгари сурилмоқда.

Ўзбекистонда диний соҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳақида фикр билдириш, диний таълим борасида таклифларни илгари суришда қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш лозим бўлади.

Биринчидан, шуни унутмаслик керак-ки, биз ҳуқуқий демократик, кўп миллатли ва турли конфессияли жамиятда яшаймиз [1].

Иккинчидан, бош қомусимиз ва амалдаги қонунчиликда ҳеч қайси динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган [2:15].

Учинчидан, турли миллат ва дин вакиллари истиқомат қиладиган жамиятда қонун билан ўрнатилган ва ижтимоий келишув асосида тартибга солинадиган муносабатларга қарши ҳар қандай турдаги ножоиз хатти-ҳаракат – турли динларга эътиқод қилувчи аҳоли орасида низо ва тушунмовчиликлар келтириб чиқаради.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқда-ки, охириги пайтларда фуқаролар томонидан билдирилаётган таклифлар, ўртага қўйилаётган масалалар, муайян бир конфессия, яъни ислом динига эътиқод қилувчи фуқаролар манфаатларидан келиб чиқиб илгари сурилмоқда.

Тўғри, юртимиз аҳолисининг 94% дан ортигини мусулмонлар ташкил этади [3], лекин, бу қарор қабул қилишда – мавжуд қонунчилик ва ҳуқуқий меъёр талабларидан четга чиқишга асос бўлмайди, ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқа динларга эътиқод қилувчи фуқароларнинг

ҳуқуқларини инобатга олиш – Конституциявий бурчимиз ҳисобланади [2:11]. Акс ҳолда, бу – дискриминация ва турли ижтимоий муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шу нуқтаи-назардан, мамлакатимизда дин соҳасидаги сиёсат масаласида қабул қилинадиган ҳар қандай қарор – барча конфессия вакиллари учун умумий характерга эга бўлиши, муайян бир дин вакилларига алоҳида имтиёз беришга асос бўлмаслиги керак.

Бугун кўтарилаётган дин соҳасидаги ҳар қандай таклиф ва талаблар юқоридаги мезонлар асосида кўриб чиқилмас экан, тушунмовчилик ва зиддиятлар келиб чиқаверади. Масаланинг муҳим жиҳати, кўпчилик ушбу йўналишдаги давлат сиёсатининг моҳиятини тўғри англамасликлар натижасида одамлар онгида турли нотўғри фикрлар, муносабат ва қарашлар ҳамда иккиланишлар пайдо бўлмоқда.

Жумладан, хусусий тартибда диний таълим олиш ва таълим беришга бўлган тақикни бекор қилиш масаласи ҳам бугун тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Шундай экан, мазкур масалага ҳам ойдинлик киритиш, чегарани белгилаб олиш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда диний таълим олиш соҳасини шартли равишда 3 та йўналишга бўлиш мумкин:

- илоҳиёт йўналишидаги профессионал диний таълим;
- дунёвий таълим муассасаларидаги динга оид академик таълим;
- аҳоли томонидан қизиқиш билдирилаётган, кундалик ҳаёти учун зарур деб ҳисобланадиган диний амалиёт қоидаларини ўрганиш ҳамда одоб-ахлоқ билан боғлиқ масалаларда диний нуқтаи назарга асосланган билимларни олиш (“маиший” диний таълим).

1. Илоҳиёт йўналишидаги профессионал диний таълим

Ушбу йўналишдаги диний таълим олиш имкониятлари махсус диний таълим муассасалари орқали амалга оширилади ва биринчи навбатда профессионал диний соҳа хизматчиларини тайёрлаш учун мўлжалланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда 15 та диний таълим муассасаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Шулардан 13 таси Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ислом билим юртлари. Жумладан, 3 таси олий

Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби ва 10 ўрта махсус ислом билим юртлири ҳисобланади, шундан 2 таси аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаларидир. Булар қуйидагилар:

1. Тошкент ислом институти
2. “Мир Араб” Олий мадрасаси
3. Ҳадис илми мактаби
4. “Қўқалдош” ўрта махсус ислом билим юрти
5. “Саййид Муҳйиддин махдум” ўрта махсус ислом билим юрти
6. “Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юрти
7. “Муҳаммад ал-Беруний” ўрта махсус ислом билим юрти
8. “Фаҳриддин ар-Розий” ўрта махсус ислом билим юрти
9. “Ҳожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юрти
10. “Мир Араб” ўрта махсус ислом билим юрти
11. “Имом Термизи” ўрта махсус ислом билим юрти
12. “Ҳадичаи Кубро” ўрта махсус ислом билим юрти
13. “Жўйбори Калон” ўрта махсус ислом билим юрти [4].

Профессинал диний таълим тизимида бошланғич даража мадраса ҳисобланади ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган 10 нафар ўрта махсус ислом билим юртлирига кириш учун махсус диний билим талаб этилмаиди. Ушбу таълим даргоҳларида кириш имтиҳонлари мактаб дастури доирасида ўқитиладиган фанлар, яъни хорижий тил ва тарих фанларидан Давлат тест маркази томонидан тест шаклида ўтказилади. 2019 йилга қадар Маънавият асослари фанидан ижодий имтиҳон ҳам ўтказилган бўлиб, 2020-2021 йилларда пандемия сабабли фақат тест шаклидаги имтиҳонлар ташкил этиш билан чекланган.

Ўз навбатида олий диний таълим муассасаларига кириш учун дунёвий фанлар билан бир қаторда соф диний фанлардан ҳам имтиҳонлар ўтказилади, мазкур билимларни фуқаролар мадрасаларда олиш имкониятига эга бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистонда барча дин вакилларига бир кўз билан қаралади, “диний озчилик” деган

ибора эса ўз мазмун-моҳиятига кўра ўзбек тили учун сунъий атама бўлиб, бизнинг маданиятимизга ва тилимизга ва умуман миллий қонунчилигимизга хос эмас. Бу ҳолат диний таълим соҳасида ҳам кўзга ташланади. Бунинг исботи ўлароқ, Тошкент православ ва Тошкент протестант семинариялари фаолият кўрсатаётганини таъкидлаш ўринли.

Тошкент православ семинарияси 1990 йил 1 октябрда ўрта махсус билим юрти сифатида ташкил этилган. 1998 йил 9 апрелдан ўқув юрти семинарияга айлантирилган. Рус православ черкови қоидаларига асосан семинарияга епархия раҳбари раҳбарлик қилади. Семинарияда Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ташқари Россия, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондан келган талабалар ҳам таълим олмоқда.

Тошкент протестант семинарияси 1992 йилдан эътиборан Самарқанд шаҳрида “Самарқанд протестант семинарияси” сифатида фаолият олиб борган. 2004 йилда семинария Тошкент шаҳрига кўчирилиб, Тошкент протестант семинарияси номи билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Таъкидлаш лозимки, ўтган яқин йиллар давомида республикамызда диний таълим сифатини оширишга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Диний таълим тизимини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Республикада 2017 йилга қадар олий диний таълим муассасалари сони 1 тани ташкил қилган бўлса, сўнгги тўрт йилда уларнинг сони 3 тага етди [5]. Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида ташкил этилган Ҳадис илми мактаби энг илғор диний таълим муассасасидир. Марказий Осиёда ноёб ҳисобланган бу таълим муассасасида таълим жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, таълим жараёнларига хорижий ноёб мутахассислар ҳам жалб қилинмоқда.

Ўрта махсус маълумотли имом-хатиблар малакасини ошириш ва уларни олий маълумотли қилиш мақсадида Тошкент ислом институтида 3 йиллик модуль таълим тизими жорий этилди. Мазкур таълим тизимида 2019-2020 ўқув йилидан асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда имом-хатиблар ўқишга қабул қилинди.

2. Дунёвий таълим муассасаларидаги динга оид академик таълим

Дунёвий таълим муассасаларидаги динга оид таълим йўналиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтиш лозим. Ўзбекистонда лицей-коллеж ва олий таълим муассасаларида “Диншунослик” фани доирасида бир қанча динлар ва улардаги ибодатлар ҳақида батафсил маълумот берилади [6:5].

Шунингдек, бир қатор фанларда ҳар бир шахсда инсонийлик, ватанпарварлик, ота-онага ҳурмат, инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-муруват туйғуларини камол топтиришга хизмат қилувчи диний матнлар, ҳадиси шариф ва турли диний мазмундаги ривоятлардан намуналар келтирилган мавзулар киритилган.

Республикамиз қонунчилиги бўйича таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмаслиги, лекин дин ҳақида маълумот берувчи фанлар бундан мустасно экани белгиланган. Бунинг сабаби дин ҳақида маълумот берувчи ўқув предметларида бирор динга устунлик бермаган ҳолда кўпчилик эътиқод қилувчи дунё ва миллий динлар, улардаги ибодат ва расм-русмлар ҳақида маълумотлар энциклопедик тарзда баён этилади. Шунингдек, бундай фанларда динийлик руҳи бўлмайдиган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин-ки, Ўзбекистон дунёвий таълим муассасаларида дин ҳақидаги билимлар илоҳиёт нуқтаи назардан эмас, академик ёндашув асосида берилади.

Кўпчилик ота-оналар хоҳлаётган таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ва умуинсоний тамойилларни ўргатадиган масалаларни ўз ичига қамраб олган “Тарбия” фани 2020 йилдан эътиборан умумий ўрта таълим муассасалари ўқув дастурига киритилди [7:5].

Дунёвий таълим муассасаларидаги динга оид таълим бўйича ҳолат ҳақидаги қуйидаги хулосаларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Ўзбекистон дунёвий таълим муассасаларида дин ҳақидаги билимлар академик ёндашув асосида берилади;

- умумий ўрта таълим муассасалари 1-11 синф ўқувчилари учун умуминсоний ва диний қадриятлар, юксак маънавиятни ўзида мужассам этган “Тарбия” деб аталган янги фан жорий этилди. Бу фан дин билан боғлиқ одоб-

ахлоқ ва тарбияга тегишли маълумотларни ҳам тақдим этади;

- дунёвий олий таълим муассасалари ўқув режаларига “Диншунослик” фани киритилган. Ушбу фан доирасида жаҳон ва дунё динлари, миллий динлар ҳақида бирор бир динга устунлик бермаган ва камситмаган ҳолда таълим берилади. Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, барча диний таълим муассасаларида ҳам диний фанлар қаторида дунёвий фанлардан таълим берилади.

Ўзбекистонда диний таълимдан фаркли ўлароқ академик диншунослик-исломшунослик таълими ҳам йўлга қўйилган. Ўзбекистон халқаро ислом академияси бу йўналишда малакали мутахассис-кадрларни тайёрлашга ихтисослашган етакчи таълим ва илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Мазкур ўқув юртида исломшунослик ва диншунослик йўналишлари доирасида Қуръон илмлари, ҳадис, ислом ҳукуқи (фикх), ақида, тасаввуф каби таълим мутахассисликлари фан сифатида академик ёндашув асосида ушбу соҳа учун илмий ходимлар, олимлар тайёрланади (диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари бўлган имом-хатиб, ноиб-имом, мутавали, муаззин эмас).

3. Аҳолининг кундалик ҳаётидаги диний эҳтиёжларини қондириш учун керак бўладиган диний таълим

Мавжуд қонунчилигимизга назар ташласак, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланади, деб белгилаб қўйилганини кўрамиз [8].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгаллиги аниқ белгиланган бўлиб, диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди, дейилади [2:9].

Амалдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунида ҳам Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилгани, таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмаслиги (бундан диний таълим муассасалари мустасно) аниқ белгилаб берилган.

Юқоридагиларга кўра, муайян дин нормаларини таълим тизимига киритиш қонунан мумкин эмас.

Агар, талаб қилинаётганидек, ислом дини нормалари таълим тизимига киритилса, унда қонунга ўзгартириш киритиш ва барча дин вакилларига бирдек имтиёз бериш керак бўлади. Натижада, умумтаълим мактабларида республикамизда рўйхатдан ўтган барча конфессия вакиллари ўз диний қарашларини ёшларга сингдиришга қонуний асос пайдо бўлади. Бу эса, табиийки, аксарият аҳолиси мусулмон бўлган жамиятда турли тушунмовчилик, фитна ва ихтилофлар келиб чиқишига олиб келади.

Шу ўринда, мактабларда ислом дини тартиб қондаси киритилишини, хусусий тартибда диний таълим берилишини хоҳлаётган ота-оналар билан суҳбатлашилганда, уларнинг мақсади фарзанди яхши-ёмонни ажратадиган, оқ-қорани танийдиган, Қуръони каримни ўқийдиган бўлишини иштаётганларини билдирдилар. Ҳеч қайси ота-она хусусий тартибда диний таълим беришга рухсат берилиши ортидан фарзанди мукамал диний билимларни ўзлаштирган соҳа вакили: фақиҳ ёки ақида илмида олим бўлиб чиқишини назарда тутмаяпти.

Демак, бу ерда ажратиб олишимиз, тушунишимиз керак бўлган нозик нуқта бор, у ҳам бўлса, юқорида айтиб ўтилган профессионал илоҳиёт йўналишидаги диний таълим билан илмий йўналишдаги академик диний таълимни тўғри англаш.

Шу ўринда, хусусий тартибда диний таълим беришга чеклов мавжудлиги аҳоли томонидан диний эҳтиёжини қондириш учун ҳеч қандай шарт-шароитлар мавжуд эмас деган нотўғри хулосага келиши керак эмас. Бугунги кунда амалдаги қонунчилик асосида айнан исломий йўналишдаги диний эҳтиёжларини қондириш учун яратилган имкониятлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, аҳоли учун зарур бўлган кундалик ҳаётдаги диний таълим олиш имкониятлари расмий диний таълим электрон порталлари орқали амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси расмий сайти muslim.uz, расмий диний таълим муассасалари, жомеъ масжидлари, иқтидорли имомлар сайтлари ва телеграм каналларидаги контентлар орқали ҳам диний таълим олиш имкониятлари кенг яратилган. Туркум видеодарс, мақола, инфографика, аудиодарслар,

китоблар, қўлланмалар, мастер класслар шаклида диний таълим олиш имкониятлари мавжуд.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида элликка яқин диний-маърифий сайтлар ҳамда юздан ортиқ телеграм каналлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан диний саволларга телефон орқали жавоб бериш хизмати, яъни Колл-марказ фаолияти йўлга қўйилган [9].

2020 йил давомида “Колл-марказ” орқали аҳоли томонидан келиб тушган 75000 дан ортиқ саволларга жавоб берилди. Шунингдек, Fatvo.uz ва Muslim.uz сайтлари ҳамда SavollarMuslimUzBot телеграмм боти орқали йил давомида 95895 дан ортиқ саволларга жавоб берилди. Жами 170 895 дан ортиқ саволларга жавоб берилди. 2020 йилда келиб тушган саволларнинг мавзулари таснифлаб чиқиб, уларнинг мазмун-моҳияти мониторинг таҳлил қилинганда қуйидагича натижа акс этди:

Мазмуни	Сони
Эътиқодий масалаларга оид саволлар	11 954
Ибодатга оид саволлар	83 684
Оилавий муносабатлар (<i>никоҳ, талоқ, мерос, қариндошлик</i>)	20 494
Молиявий масалалар (<i>шерикчилик, қарз, савдо-сотик</i>)	10 359
Турли масалалар (<i>ҳалол-ҳаром, жоиз-ножоиз</i>)	44 404
Жами:	170 895

Саволларнинг аксарият қисми намоз, таҳорат, ибодат қилиш каби масалаларни қамраб олади. Чуқур билим талаб этиладиган масалалар камдан кам ҳолатда учрайди. Ушбу кўрсаткич аҳолининг махсус билимларни талаб қиладиган илоҳиёт йўналишидаги диний таълимга эҳтиёжи аслида қандай эканлиги ҳақида маълумот беради.

Бу каби маиший-диний, ибодат масалаларига колл-марказ ҳамда республикадаги 2093 та масжидларда имомларнинг маърузалари, айрим йирик жомеъ масжидларида ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари ташкил этилаётган суҳбатлар аҳолининг дин билан боғлиқ саволларига тўлақонли жавоблар олишига хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан диний соҳада расмий

фаолият олиб бораётган мутахассислар томонидан MuslimTV онлайн телеканали орқали аҳолини диний эҳтиёжини қондириш учун ҳар ҳафта “Руҳий тарбия суҳбатлари”, “Сийрати Набавия баёни”, “Қироат ва тажвид сабоқлари (назарий)”, “Қироат ва тажвид сабоқлари (амалий)”, “Ҳадис шарҳи суҳбатлари” каби туркум онлайн дарслари ўтказилмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416 сонли Фармонида асосан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги барча диний таълим муассасалари ҳузурида 2019 йилдан бошлаб Қуръон ва тажвид курслари фаолияти йўлга қўйилди [10].

Ҳозирги кунда 13 диний таълим муассасалари ҳамда мазкур ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган “Фикх”, “Ақоид”, “Тасаввуф” ва “Калом” илмий мактабларида жами 20 та жойда аҳолига пуллик хизмат асосида алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Қуръон ва тажвид курслари” фаолият юритмоқда. Ушбу курсларда ҳозирги кунга қадар 21 мингга яқин фуқаролар таҳсил олиб, Қуръон курслари доирасида ўзларига керакли даражада илмларни олишган. Ҳозирда курсларда 2200 га яқин фуқаро таълим олаётган бўлиб, таълим олиш муддати 3 ойни ташкил этади.

Тўртинчидан, турли диний расм-русум ва маросимлар, диний амалиёт тартиблари, диний масалаларни ёритиб берувчи катта ҳажмдаги диний мазмундаги адабиётлар йиллар давомида республиканинг турли босмаҳона ва нашриётларида чоп этилмоқда. Бунда аҳолига тақдим этилаётган материалларда ихтилофлар келиб чиқмаслиги мақсадида юртимизда анъанавий ҳисобланган, диний бағрикенглик ва муътадилликка асосланган ҳанафий мазҳаби мотуридия таълимотига асосида адабиётлар чоп этилишига асосий эътибор қаратилмоқда. Ушбу мазмундаги диний адабиётлар нафақат ўзбек тилида, балки рус, қорақалпоқ ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинмоқда. Мавжуд диний адабиётларда содда тилда, аҳолига тушунарли бўлган турли нозик саволларга жавоб берадиган маълумотлар етарли даражада жамиятга тақдим этиб борилмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, диний таълим бўйича белгиланган чора-тадбирлар босқичма-босқич изчил амалга ошириб келинмоқда ҳамда айрим фуқаролар томонидан давлатнинг диний соҳада амалга ошираётган кенг қўламли ислохотларини нотўғри талкин қилиб, жамиятда ихтилоф чиқармаслик лозимлигини эслатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларнинг рўйхатга олиниши ҳақида маълумотнома // <https://religions.uz/pages/view?id=68>
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2019. – Б.15.
3. Юсупов О. Мамлакатимизда диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашнинг долзарб йўналишлари. <https://religions.uz/news/detail?id=443>
4. Уватов У. Ислом тамаддунининг мангулик маскани. http://www.adolatgzt.uz/news_latest/glavnaya-novosty/5171
5. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. <https://strategy.uz/index.php?news=1014> 15.07.2020.
6. Диншунослик асослари. – Тошкент: Тошкент ислом университети. 2013. – Б. 5.
7. Tarbiya 10: Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 10-sinf o'quvchilari uchun darslik / N.K.Ismatova, Z.Zamonov, Z.Islov va boshqalar. – Toshkent: Respublika ta'lim markazi, 2021. – 128 b.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон. – Б. 3.
9. Турсунов А. Диний имкониятлар... <http://old.muslim.uz/index.php/jaholatga-qarshi-marifat/maqola/item/28059>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5416-сон Фармони // www.lex.uz